



## ЮРТИМИЗНИНГ БАРКАМОЛ ВА БАХТЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

улар учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда

Ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлом ва етуқ инсон бўлиб вояга етишиши учун юртимизда барча зарур имконият, шарт-шароитлар яратилмоқда. Эриш, ёш авлод эртанги кун эгаси, мамлакатимиз келажаги ва тараққиётини таъминловчи муҳим кучдир.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошланган ва йил сайин кенг қулоқ ёйиб, улкан маъно-мазмун касб этаётган чоратadbирлар юртимиздаги ҳар бир боланинг камолотига хизмат қилаётди. Айниқса, ўсиб келаётган авлод саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, унинг соғлом туғилишидан тортиб, бақувват бўлиб вояга етиши ҳар томонлама тўлиқ қам-

раб олинган Давлат дастурлари асосида изчил ҳал этилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Айниқса, болалар спорти соҳасида юртимизда аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда ва бу фарзандларимизни спорт билан мунтазам шугулланишга жалб қилиш имконини яратди. Барча спорт иншоотлари зарур спорт анжуманлари билан жиҳозланган. Замонавий корхоналаримизда болалар учун сифатли спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш имкониятлари чуқур

ўрганилиб, спорт иншоотлари учун тавсия этиладиган энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталоги яратилди. Болалар спорти объектларини жиҳозлаш учун зарур инвентарларнинг асосий қисмини юртимизда тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бугун мамлакатимиздаги 9739 умумтаълим мактабининг қарийб 90 фоизи янгидан қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга. Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг барчаси замонавий жиҳозланган спорт заллари билан таъминланган.

Таълим соҳасидаги уч босқичли узлуксиз спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу беллашувлар орқали фарзандларимиз

иродали, ҳаёт синовларига бардошли, ватанпарвар, жисмонан етуқ инсонлар бўлиб вояга етмоқда. Мазкур спорт анжуманларида иштирок этаётган ёшларимиз орасидан Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ғимоя қиладиган маҳоратли спортчилар етишиб чиқмоқда.

Ушбу ноёб тизимнинг ўрта бўғини — "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг финал босқичига бу йил Наманган вилояти мезбонлик қилди. Жорий йилнинг 29 май куни катта байрам дастури билан бошланган "Баркамол авлод — 2014" спорт мусобақалари қизгин ва муросасиз бахсларга бой бўлди. Беллашувларда спортчилар катта иштиёк ва шижоат билан иштирок этди.

(Давоми иккинчи бетда)

Оила — авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, фарзандлар камолга етадиган табаррук даргоҳ бўлиши билан бирга жамият ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутатади. Шу боис халқимиз азалдан оилани муқаддас билиб, уни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратиб келган.

### Mulohaza

## Оила — муқаддас маскан

зеро, у авлодлар бардавомлигини таъминлайди, фарзандлар камолида муҳим ўрин тутатади



Бу жиҳатлар қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Бош Қомусимизнинг 63-моддасида, миллий қадриятларимизга мос равишда, "Оила жамиятининг асосий бўғинидир. Ниҳоят томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқчилигига асосланади" дея

қайд этилган. Айтиш жоизки, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатимизда оилалар мустақамлигини таъминлашга давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. (Давоми тўртинчи бетда)

### Islahot va samara

## Ярашув — бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

у кўплаб инсонлар тақдирида ижобий ўзгаришлар ясамоқда

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчилик билан амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг бош мақсади — инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашдан иборатдир. Ушбу мақсад йўлида соҳага оид қонунчилик тубдан такомиллаштирилиб, инсон манфаатларига тўлиқ мувофиқлаштирилди.

2001 йил 29 августда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жи-

ноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақи-

да"ги қонунга мувофиқ, амалдаги бир қатор қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Жиноят кодекси 66<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилиб, ярашув институти амалга жорий этилди. Жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи ушбу институт негизда бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари мустақамланган.

(Давоми иккинчи бетда)

### Fuqarolik qonunchiligi

## Меҳнат шартномаси

ходим ва иш берувчининг манфаатларини кафолатли ҳимоя қилади

Мамлакатимизда инсоннинг барча ҳуқуқлари қатори меҳнат ҳуқуқи ҳам қонун билан кафолатланган. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 37-моддасида ҳар бир фуқаронинг эркин меҳнат қилиш, касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳамда қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган.

Айтиш жоизки, амалдаги меҳнат қонунчилигида меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака,

лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъ-

ёрий ҳужжатлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишув эканлиги белгилаб қўйилган.

(Давоми учинчи бетда)

### Yangi qonun mohiyati

## Давлат ҳокимияти ва бошқаруви фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш — мамлакатни демократлаштиришнинг муҳим омили

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралиги улар фаолиятининг самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, давлат органлари ва фуқароларнинг доимий ҳамда мунтазам алоқада бўлишни таъминлайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ушбу органлар фаолияти устидан ҳаққоний ва самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралиги уларнинг фаолияти, қабул қилган қарорлари тўғрисида аҳоли ва фуқароларнинг бевосита хабардор бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ахборот эркинлигини йўлга қўймасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаб бўлмайди.

Шу боис ҳам мамлакатимизда мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган йиллар давомида ҳар бир кишининг ахборотни эркин ва монелуқсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишини, шунингдек, ахборот соҳасининг самарали фаолият юритишини кафолатлашга, оммавий ахборот воситаларининг эркин ва фаол ривожланишини ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда давлат бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви фаолияти очиқлигини таъминлаш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг асосий қоидалари ва хулосаларини амалга ошириш юзасидан 2014 йил 6 майда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда давлат бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви фаолияти очиқлигини таъминлаш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

(Давоми учинчи бетда)

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Энг муҳими, бу борада мустақам ҳуқуқий база яратилгани амалда қўтилган самараларни бермоқда.

### Qonun ijodkorligi

## Фуқаролар мурожаати

уни кўриб чиқишнинг қонуний асослари такомиллаштирилмоқда

Жумладан, Конституция-мизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ҳамда кадр-қиммати энг олий қадрият эканлигини белгилаб қўйилган. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги ҳам Бош қомусимизда мустақамланган.

Яратилган ушбу ҳуқуқий



асослар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми учинчи бетда)



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Ушбу қонун, авваломбор, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг ва оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид маълумотлардан кенг хабардор бўлишини кафолатлашга қаратилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз тарихида илк мартаба Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартда қабул қилинган "Самарқанд ва Бухоро вилоятларида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида"ги Фармойишига мувофиқ, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг қоидалари 2013 йил март-декабрь ойларида амалда ҳуқуқий экспериментдан ўтказилди.

Ҳуқуқий эксперимент жараёнида қонун лойиҳаси қоидаларини амалда синба кўриш, қонун лойиҳасининг давлат органлари фаолиятининг очиклиги, ошқоралигини таъминлаш, улар фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг кенг фойдаланишига доир нормалари самарадорлигини баҳолаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳуқуқий экспериментнинг ўтказилиши "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси нормалари фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш механизмининг янада ривожлантиришга, шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жа-

вобгарлигини кучайтиришга хизмат қилишини яна бир қарра тасдиқлади.

Айтиш керакки, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун 4 боб, 24 моддадан иборат бўлиб, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибини,

**Yangi qonun mohiyati**

# Давлат ҳокимияти ва бошқаруви фаолиятининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш – мамлакатни демократлаштиришнинг муҳим омили

аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваломбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини белгилаб берувчи аниқ ҳуқуқий тартиб-таомиллар назарда тутилган.

Бундан ташқари қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотга нисбатан киритилиши аниқ белгиланган бўлиши, бунинг натижасида фуқаролар бевосита давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек, бу ҳужжатлар ижро этилиши, давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши, улар томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар, очик танловлар ва кимовиди савдолари, вакант иш

ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва номзодларнинг вакант иш ўринларини эгаллашига доир талаблар, очик ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан, мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, ўтказиладиган санаси, жой ва вақти, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби сингари маълумотларни олиши мумкин.

Шу билан бирга, қонунда

нинг сўровларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан кўриб чиқишнинг аниқ муддатлари белгиланган. Чунончи, ахборотдан фойдаланувчининг сўрови сўров рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши, оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи фаолияти ҳақида

бинолари (хоналари) ва бошқа объектларида бўлиш, ўзини аккредитация қилган органлар томонидан ўтказиладиган мажлислар, кенгашлар, брифинглар (матбуот конференциялари) ва бошқа тадбирларда иштирок этиш, аккредитациядан ўтказган органнинг масъул шахсларидан зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни сўраш ва олиш, тадбирларга доир ёзувлар билан танишиш ва улардан нусхалар кўчириб олиш, олинган ёзувлардан оммавий ахборот воситаларига материаллар тайёрлашда фойдаланиш ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу қонун нормалари ривожланган демократик мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларига тўлиқ мос келади. Хусусан, бугунги кунда кўпчилик ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада) ҳукумат зиммасига қарорларнинг қабул қилиниши жараёнига дахлдор тўлиқ ахборотни жамоатчиликка тақдим этиш, давлат ҳокимияти органларининг фаолияти ҳақидаги ахборотдан эркин фойдаланиши таъминлаш мажбуриятини юкловчи махсус қонунлар қабул қилинган.

Мазкур норма бир томондан, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид ахборотни ўз вақтида олиши кафолатласа, иккинчи томондан, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг янада самарали амалга оширилишини таъминлаш борасида зарур қулайликлар яратди.

Яна бир муҳим жиҳати — қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳузурида аккредитация қилувчи оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги бир қатор муҳим ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилмоқда: бўлажак мажлислар, кенгашлар ва бошқа тадбирлар ҳақидаги ахборотни олдиндан олиш, аккредитация қилувчи орган томонидан белгиланган тартибда аккредитация қилувчи органнинг

**Улуғбек ХУСАИНОВ, Джахонгир САФАРОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти бош илмий ходимлари, юридик фанлари номзодлари*

**Qonun ijodkorligi**

# Фуқаролар мурожаати

уни кўриб чиқишнинг қонуний асослари такомиллаштирилмоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Дарҳақиқат, бугунги шиддат билан ўзгараётган замонада, энг муҳими, халқимизнинг кундан-кунга ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва шу билан бирга, уларнинг талаб-эҳтиёжлари ортиб бораётган ҳозирги пайтда раҳбар кадрларнинг масъулияти юқори бўлиши лозим. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси алоҳида ўрин тутди.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳаси амалдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун меъёри ва қоидалари негизиде ишлаб чиқилган. Мамлакатимизда конституциявий меъёрга ва қоидаларга асосда бу борада махсус қонунчилик ривожлантирилди. Яъни ҳозирги вақтда фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатлари ва уни кўриб чиқиш соҳасидаги муносабатлар "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун билан тартибга солиб келинмоқда.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг ҳуқуқий тартибга солиш предметини фақатгина фуқароларнинг мурожаатлари ташкил этади. Бироқ юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаатларини кўриб чиқиш эса, мазкур қонун билан қамраб олинмаган. Бу фуқаролар билан бир қаторда юридик шахсларнинг ҳам ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилиш институтидан фаол фойдаланишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Шу маънода "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасида фақат фуқаролар эмас, балки юридик шахсларнинг ҳам мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлики белгилаш назарда тутилмоқда. Зеро, ҳозирда қонун ҳужжатларида фақат фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда. Зеро, ҳозирда қонун ҳужжатларида фақат фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда.

Мухтасар айтганда, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши наинки фуқаролар, балки юридик шахсларнинг ҳам қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўшимча кафолатлар яратиш имконини беради.

ётда дуч келинаётган тақрирнинг мурожаат, мурожаатнинг дубликати, қўшимча мурожаатлар масалаларига аниқлик киритилган, таъриф берилган ва уларни кўриб чиқишнинг тартиби белгиланмоқда. Бу давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини жорий қилиш имкониятини яратди.

Қонун лойиҳасининг номи амалдаги қонунга нисбатан бирмунча ўзгаририлган ва кенгайтирилган. Бунда хорижий тажриба ҳам ўрганилиб, унинг миллий қонунчилигимиз билан уйғун, илғор жиҳатларига эътибор берилган. Лойиҳада янги субъект — юридик шахслар киритилишини ҳисобга олган ҳолда уни амалдаги қонунчилик терминологияси билан мувофиқлаштириб, бир-бирига мутаносиб номларини мақбул, деб топилди.

Халқаро тажриба ҳамда хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, Германия, Канада, Норвегия, АҚШ, Швейцария давлатларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни тартибга солиувчи махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасида фақат фуқаролар эмас, балки юридик шахсларнинг ҳам мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлики белгилаш назарда тутилмоқда. Зеро, ҳозирда қонун ҳужжатларида фақат фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда.

Шу маънода "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасида фақат фуқаролар эмас, балки юридик шахсларнинг ҳам мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлики белгилаш назарда тутилмоқда. Зеро, ҳозирда қонун ҳужжатларида фақат фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда.

Мухтасар айтганда, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши наинки фуқаролар, балки юридик шахсларнинг ҳам қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўшимча кафолатлар яратиш имконини беради.

**Мавлуда АЛИМОВА,**  
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Ҳаётда баъзан иш берувчининг ноқонуний буйруғи асосида ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Масалан, давъовгар Мамасаид Пардаев Узун тумани Боботог ўрмон хўжалигига 1998 йил 8 апрелдан эътиборан ишга қабул қилинган. Бироқ кейинчалик Боботог ўрмон хўжалиги маъмурияти билан М.Пардаев ўртасида келишмовчилик пайдо бўлган. Шундан сўнг оранда кўп ўтмай, ўрмон хўжалиги маъмурияти томонидан М.Пардаев билан тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузганлиги ваҳ қилиниб, бекор қилинган ва Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан, бу ҳақда буйруқ чиқарилган.

Аммо кейинчалик маълум бўлишича, ўрмон хўжалиги маъмурия-

**Fuqarolik qonunchiligi**

# Меҳнат шартномаси

ходим ва иш берувчининг манфаатларини кафолатли ҳимоя қилади

ти М.Пардаевнинг ўз ишига совуққонлиги туфайли унга нисбатан аввал бирор марта ҳам интизомий жазо қўлламаган ёхуд бу ҳақда ундан тушунтириш хати талаб қилмаган.

Бундан ташқари М.Пардаевнинг меҳнат интизому масаласи унинг иштирокисиз касабга уюшмаси йиғилишида муҳокама қилинган.

Кўриниб турибдики, бу билан ўрмон хўжалиги маъмурияти хатоликка йўл қўйиб, меҳнат қонунларининг бузилишига сабабчи бўлган. Бу ҳолат эса, М.Пардаевнинг оилаб

бекор қолишига, моддий ва маънавий зарар кўришига олиб келган.

Шунга асосан, суд М.Пардаевнинг давъо талабларини қаноатлантириб, тарафлар ва гувоҳларнинг фикрларини муҳокама этиб, давъовгарнинг асосиз ишдан бўшатилганлиги боис, уни ўз лавозимига ишга қайта тиклаш, шунингдек, бекор юрган кунлари учун 972 минг 635 сўм иш ҳақини ундириб бериш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Мухтасар қилиб айтганда, меҳнат қонунлари меъёрлари нафақат хо-

димларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлайди, балки раҳбар ва ходим зиммасига ҳам муайян мажбурият ва масъулият ҳам юклайди. Шундай экан, қонун талабига амал қилиш наинки меҳнат самарадорлигини оширади, балки жамият равнақиға ҳам хизмат қилади.

**Шерали ШОДИЕВ,**  
*Фуқаролик ишлари бўйича Сароисий туманлараро судининг раиси Абдунаби БОБОЁРОВ,*  
*"Куч — адолатда" мухбири*

# инсоний фазилат

Шу ўринда фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, ангреник Г.Тожиёва дастлабки тергов идораси томонидан ёлгон хабар берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилган бўлишига қарамай қонун талабини бузди. У 2013 йилнинг 23 сентябр кун Ангреник шаҳар Алишер Навоий номи кўчадаги кўп қаватли уйлар олдига Д.Тўхтаев уни мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида тўхтатиб, ёнидан пичоқ чиқариб, ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш йўли билан кўрқитганлиги ҳақида ёлгон гувоҳлик ҳам беради. Аслида эса, Д.Тўхтаев томонидан бундай қилмиш содир этилмаган. Шу боис Г.Тожиёванинг ўзи ёлгон хабар ва ёлгон гувоҳлик бергани учун жиноий жавобгарликка тортилади. Г.Тожиёванинг ҳаракатлари дастлабки тергов идораси томонидан Жиноят кодексининг 237-моддаси 2-қисми "б" банди ва 238-моддаси 1-қисми билан малакаланган. Суд мажлисида судланувчи Г.Тожиёва айбига иқроор бўлиб, қилмишидан қаттиқ пушаймон эканини

билдирди. У ўзига нисбатан Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорини қўллаб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишини сўраб, судга ариза билан мурожаат қилди. Суд ҳайъати унинг аризасини инобатга олди ва жиноят ишини Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори 6-моддасига асосан ҳаракатдан тугатишни лозим топди.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, эндигина 19 ёшни қоралаган А.Саидов ҳам ёлгон гапиришда устаси фаранглардан чиқиб қолди. Гарчи у дастлабки тергов идораси томонидан ёлгон гувоҳлик берган ва кўрсатма беришдан бош тортган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиши

мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилган бўлишига қарамай барибир ўз билганидан қолмади. Яъни у 2013 йил 29 мартдан 30 мартга ўтар кечаси соат 23-30 ларда, Ангреник шаҳридаги касб-хунара коллежи қаршисида 1991 йилда туғилган Ш.Рўзमतов ва О.Нишонов бир гуруҳ бўлгани ҳолда С.Турсуновани ҳеч бир сабабсиз уриб-дўппослаб, унга ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказгани ҳолати юзасидан дастлабки тергов органларини жалғитиб, воқеада иштирок этмаган бўлса-да, гувоҳ тариқасида ёлгон кўрсатма берган.

Суд мажлисида А.Саидов ўз айбига тўлиқ иқроор бўлди. Бу воқеанинг эртаси кунини унга Ш.Рўзमतов мурожаат қилиб, воқеа жойида бўлгани ҳақида кўрсатма беришини сўрагани туфайли гувоҳ сифатида кўрсатма берганини маълум қилди. Шу билан бирга, у қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини айтиб, суддан энгиллик беришини сўради. Суд судланувчи А.Саидовга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқроорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, биринчи мартаба судланганини, шахсини, ёшлигини, оилавий шароити ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинидан берилган ижобий тавсифномани инобатга олди. Суд А.Саидовни Жиноят кодексининг 238-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топди, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ундириш шарт билан 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Хулоса қилиб айтганда, ростгўйлик, ҳалоллик ҳамда инсоннинг юзини ёрғу қиладиган, обрў келтирадиган хайрли амаллардандир. Шу боис ана шундай инсоний фазилатлар умримиз мазмуни бўлса, нур устига аъло нур бўлади.

**Ғолиб ЭРҒАШЕВ,**  
*жиноят ишлари бўйича Ангреник шаҳар судининг раиси Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,*  
*"Куч — адолатда" мухбири*

довга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқроорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, биринчи мартаба судланганини, шахсини, ёшлигини, оилавий шароити ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинидан берилган ижобий тавсифномани инобатга олди. Суд А.Саидовни Жиноят кодексининг 238-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топди, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ундириш шарт билан 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Хулоса қилиб айтганда, ростгўйлик, ҳалоллик ҳамда инсоннинг юзини ёрғу қиладиган, обрў келтирадиган хайрли амаллардандир. Шу боис ана шундай инсоний фазилатлар умримиз мазмуни бўлса, нур устига аъло нур бўлади.

## Hikmat

Донолар  
дейдиларки

Ҳақиқий камтарлик барча яхшиликларнинг бошидир.

Ўзгалар қалбини овламоқчи бўлсанг, яхшилик қилишга одатлан.

Одамлар учун ҳақиқий хазина — меҳнат қила билишдир.

Бахт ҳавода эсмайди, меҳнатдан келади.

Шошиб қилинган ишнинг умри қисқа.

Меҳнат одамлар учун хузур-ҳаловатдир.

Ақл, шубҳасиз, бахтиёрликнинг биринчи шартидир.

Кулги — мисли офтоб: у инсон юзидан қиш қаҳрини олиб ташлайди.

Қалбдан қоққан сўз қалбга йўл солади.

Яхши дўст — туганмас хазина.

Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси.

## Mulohaza

## Оила — муқаддас маскан

зеро, у авлодлар бардавомлигини таъминлайди, фарзандлар камолида муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Этироф этиш жоизки, судларда оилавий низолар билан боғлиқ ишларни кўришда асосий эътибор оилаларни сақлаб қолишга қаратилаётгани ҳам ана шу савий-ҳаракатлар тасдиғидир. Шу ўринда айрим фуқаролик ишларини фикримизнинг исботи тариқасида келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Кува туманида яшовчи Ҳамиджон Маликов (исм-шарифлар ўзгартирилган) турмуш ўртоғи Одина Баротова билан ўрталаридаги никоҳни бекор қилишни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилган. Мазлум бўлишича, Ҳамиджон билан Одина 2013 йилнинг 25 февралда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган. Аммо улар бор-йўғи олти ой бирга яшаганига қарамай, оилада турли хил майда низолар чиқа бошлади. Охир-оқибат келин ота-онанинг кетиб қолиши билан — Ҳали оила турганимизга ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Келгусида фарзанд кўриб, тинч-тотув яшаб кетишимизга ишонаман, — дея суд мажлисида эрининг даъвосини рад қилишни сўради О.Баротова.

Демак, О.Баротова оиласини сақлаб қолишни истайди. Табиийки, суд жараёнида унинг фикрлари инобатга олинди.

Яна бир мисол: шу тумanning Туркравот қишлоғида яшовчи Саиджол Маҳмудов ва Жамила Улуғбековалар ўртасида юзага келган низо ҳам айтишга аргигулик воқеа

эмас. Лекин С.Маҳмудов никоҳни бекор қилиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилган. Суд жараёнида аён бўлдики, Саиджол билан Жамила 2006 йилнинг 20 январида турмуш қургач, етти ярим йилдан кўпроқ бирга яшаган. Шу орада икки нафар фарзандли бўлишган. Бироқ кейинги пайтларда Жамила билан С.Маҳмудовнинг яқинлари ўртасида келишмовчилик юзага келган. Жамила эса, бундай аризмас гап-сўзларни деб оиласи бузилишини сира хохламайди.

— Бундай майда гап-сўзлар ҳамма оилада ҳам учраши мумкин. Лекин бу оиланинг бузилишига сабаб бўлмайди-ку. Қолаверса, икки нафар бола бор, — дейди Жамила Улуғбекова суд жараёнида.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 16-бандида "Турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар ва тасодифий сабабларга кўра, эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек, эр-хотиндан бирининг ёхуд ҳар иккаласининг жиддий важлар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хохламаслиги никоҳни ажратиш учун асос бўла олмайдми. Никоҳдан ажратишга асослар бўлмаганда, суд даъвои рад этади" деб аниқ раҳбарий кўрсатма берилган. Шунга мувофиқ суд, оилаларни сақлаб қолиш мақсадида, юқоридаги даъво аризаларни

рад қилиш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди. Бироқ даъвогарлар фуқаролик ишлари бўйича Фаргона вилояти судига апелляция шикоятини беришди.

Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ҳ.Маликовнинг даъвоси ва унинг апелляция шикоятига эътибор қаратсак, у никоҳни бекор қилишга фарзанд кўришмагани ҳамда Одина билан ота-онаси ўртасида келишмовчилик келиб чиққанини ваҳ қилиб кўрсатган. Бироқ бу сабаблар никоҳни бекор қилишга асос бўлмайди. Шу каби иккинчи мисолдаги С.Маҳмудов ва Ж. Улуғбековалар оиласида эса, икки нафар шириншак фарзанд бор. Башарти, уларнинг тиргаги — ота-онаси ажрашиб кетишса, бу ҳол уларнинг руҳияти ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Шу боис эр-хотин биргаликда фарзандларини қамалган инсон этиб тарбиялаб, вояга етказишлари ҳам фарз, ҳам қарзидир. Ана шу асосларга таянган вилоят суди иккала апелляция шикоятини ҳам қаноатлангирмасдан, биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришга қолдирди.

Хулоса қилиб айтганда, оила авлодлар бардавомлигини таъминлайдиган, фарзандлар камол топадиган муқаддас маскан. Шу боис уни асраб-авайлаш, тинч-тотувлигини таъминлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

**Равшан КАҲҲОРОВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро судининг судьяси  
**Хуршид СУЛТОНОВ,**  
"Куч — адолатда" муҳбири

## Garoyib olam

Ер шарининг турли ҳудудларида яшовчи халқларнинг турмуш тарзи турлича бўлиши баробарида урф-одатлари ва ҳатто қизиқишлари ҳам бир-бирдан кескин фарқ қилади. Бу борада мулоҳаза юритганда айрим анъана ва удулар фаройиботларга бойлиги билан киши эътиборини жалб этади. Масалан, дунё халқлари орасида шундай антиқа мусобақалар ҳам ўтказилиб туриладики, уларнинг тафсилоти эртақлардаги воқеаларга ўхшаб кетади.

Биз билган ва билмаган дунё  
АНТИҚА МУСОБАҚАЛАР

Масалан, Швейцариянинг Альп тоғи этакларида яшайдиган элатларда харсанг тошни узоққа улоқтириш бўйича мунтазам равишда беллашув ўтказилиб турилади. Бу кунни маҳаллий аҳоли интиқлик билан кутади, чунки улар ўз қаҳрамонлари голиб чиқишини ва шу орқали гурурланиб юришни хуш кўришади. Ҳозиргача мусобақа қаҳрамонлари фақат узунлиги 3 метрлик тошни узоққа улоқтиришга муваффақ бўлган Ундан залворли, ҳажми 4 метрлик тошни эса, ҳали ҳеч ким улоқтира олмаган.

Кейинги пайтларда дунёда олдинга қараб эмас, балки ортга қараб югуриш ва велосипедни ҳам тескари миниб бўйича мусобақалар ўтказилишга кўнчилиқда қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, дунёдаги йирик мегаполислардан бири бўлган Нью-Йорк шаҳрида "Ортга қараб югурувчилар" клуби фаолият кўрсата бошлагани анча бўлди. Белград шаҳрида эса, велосипедни тескари миниб уста спортчилар ўртасида ўтказиладиган мусобақа анчайин шухрат қозонган. Бу мусобақани томоша қилиш учун ҳатто узоқ мамлакатлардан сайёҳлар ҳам ташриф буюришади.

Антиқа мусобақалар уюштиришда вьетнамлик моҳирлар ҳам четда туришмайди. Айниқ, уларнинг узунлиги қариб 2 метрлик ёғочоқда футбол ўйнашлари камлик қилгандай, кейинги пайтларда улар бундай беллашувлар жадвалига волейболни ҳам киритишди. Натижа чакки эмас: ишқибозлар кўп, иштирокчилар ҳам етарлича топилади.

Филиппин поятахи Манила шаҳрининг жанубида жойлашган бир қатор қишлоқларда бундан ҳам галати анъана бор. Гап шундаки, аҳоли далалардан экин-тикинни йиғиштириб олгач, катта шодана билан ҳосил байрами шарафига қизгин мусобақа ўтказилади. Унда қишлоқнинг саботли ва матонатли йигитлари ёниб турган кўмир устида яланг оёқ ҳолда рақсга тушишади: ким узоқ вақт рақсга туша ола, у голиб деб топилади ва унга махсус соврин топирилади.

Болгариянинг Етропол шаҳрида эса, ҳар йили куёвлар учун махсус мусобақа ўтказилади. Биринчи кун шаҳарнинг марказий майдонига кўвнинг нимага қодирлигини кўриш учун томошабинлар йиғилишади. Бу мусобақа савол-жавобдан бошланади. Яъни куёвликка даъвогар йигитларнинг ақлий салоҳияти обдон синовдан ўтказилади. Бу синовдан муваффақиятли ўтган йигитларга махсус дипломлар топирилади. Мусобақанинг иккинчи кун эса, қучлик ва чаққонлиқни намойиш этувчи спорт мусобақалари бошланади. Энг қизиги, бу мусобақанинг голиблари фақатгина қайнона ва қайноталардан ташкил топган ҳакамлар томонидан аниқланади.

Англиянинг Оли шаҳрида уй бекалари қўлида това ушлаганча югуриш мусобақаси анъанага айланган. Бу мусобақанинг асосий шарт: бир қўлида това ушлаганча югуриб бораётган бека иккинчи қўли

билан товага қандайдир пишириқ ташлайди. Агар мусобақа иштирокчиси пишириқни товага сола олмай ерга тушириб юборса, у шу заҳотиёқ ўйиндан чиқарилади.

Франциянинг шарқда жойлашган кичик шаҳарларнинг бирида анъанавий тарзда сартарошлар ўртасида югуриш бўйича мусобақа ўтказилиб келинади. Қизиги шундаки, бу беллашувда биринчи ўринни эгаллаган ҳам, охириги ўринда қолган ҳам, албатта, ўзига хос муқофот билан тақдирланади. Аниқроқ айтганда, мусобақа голибининг сочи энг сўнги русумда турмакланса, охириги ўринни эгаллаган иштирокчининг сочи киртишлаб олиб ташланади.

Полинезиянинг шарқий қисмида жойлашган Туамоту оролида истиқомат қиладиган аҳоли ўртасида пальма япроқларидан чанги ўрнида фойдаланиб, кум тепаликдан паства шўнгиш бўйича мусобақа ўтказилади. Ажабланарлиси, маҳаллий аҳоли орасида энг сезимли машғулот айнан шу "япроқ чана" да учиб ҳисобланар экан. Шу боис улар ҳар йили спортнинг бу тури бўйича мусобақа ўтказишга алоҳида тайёргарлик қўришади.

Одатда, отлар иштирокчидаги мусобақалар ипподромларда ва махсус майдонларда ўтказилади. Таити оролида эса, чаваңдозлар отларни миниб, сувда пойга уюштиришади. Белгиланган масофа эса бир хил - 1000 метр. Ундан ортқ масофага сузишга жониворларни мажбурлаш мумкин эмас.

Мексиканинг чека ҳудудларида яшовчи аҳоли ўртасида ҳам галати мусобақа доимий равишда ўтказилади. Ҳўш, бу қандай мусобақа дейсизми?! Гап шундаки, бу галати мусобақа зотдор хўрозлар ишқибозлари ўртасида ўтказилади. Айў, бу ерда хўрозлар ўзаро жанг қилишмайди. Аксинча, унда кимнинг хўрози узоқ вақт тўхтовсиз қичқирса, ўша голиб деб топилади. Маҳаллий ишқибозлар хўроз узоқ қичқиршининг ҳам йўлини топишган. Улар мусобақа бошлангандан олдин хўрозларни қоп-қоронғи хонага узоқ вақт қамаб қўйишади. Қоронғилиқдан ёруғликка чиққан хўроз бирдан қичқириб юборади. Мазлумотларга қараганда, ҳозирча хўрознинг энг узоқ қичқиргани 22 дақиқа 36 лаҳзани ташкил этган.

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида эса, ҳар йили официантлар, ошпазлар ва ресторани хизматчилари иштирокида узоқ масофага югуриш бўйича мусобақа ўтказилади. Бу мусобақанинг асосий шарт: иккинчи кун эса, қучлик ва чаққонлиқни намойиш этувчи спорт мусобақалари бошланади. Энг қизиги, бу мусобақанинг голиблари фақатгина қайнона ва қайноталардан ташкил топган ҳакамлар томонидан аниқланади.

Интернет материаллари асосида **Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА** тайёрлади.

## Maslahat

Истеъмолчи  
ҳуқуқи

у қонун билан  
кафолатланган

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқаришига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айнан шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарар бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айнан шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчиларнинг бундай талаби, ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларни ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчи алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдоридан неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериш, харид нархини тегишинча, қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.



Авалло шунга айтиш жоизки, жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларига оғишмай рўя этиш, жамоат жойларида ўзини тута билиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Зотан, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган инсонгина ҳаётда қадр-қиммат топади. Бироқ ҳаётда жамоатчилик орасида ўзини тута олмайдиган, ахлоқ-одоб қоидаларини қасддан бузадиган кимсалар ҳам учраб туради. Бундай ножоиз хатти-ҳаракатларга ўз вақтида барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш мақсадида қонунчилигимизда безориликка қўл урган кимсаларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилган.

## Jinoyatga jazo muqarrar

Инсон  
одоби  
билан  
гўзал

Айтиш жоизки, безорилик жамоатчилик тартибига зид равишда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, бирор шахсни уриб-дўппослаш, мол-мулкка шикаст етказиш, енгил тан жароҳати етказиш сингари салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Шу боисдан ҳам бундай ножоиз қилмишларга нисбатан қонунчилигимизда маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Мисол учун Норин туманида истиқомат қилувчи А.Шарипов (исм-шарифи ўзгартирилган) 2013 йил 6 декабрь куни тахминан соат 21<sup>30</sup> ларда маст ҳолатда, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, синфдоши Э.Ибраги-

мовни ҳеч бир сабабсиз уриб-дўппослаб, унга енгил тан-жароҳати етказган.

Жиноят ишлари бўйича Норин тумани суди А.Шариповни Жиноят кодексининг 277-моддаси 1-қисми билан айбдор, деб топди. Қонунчилигимиздаги бағри-кенглик, кечиримликни туйғайди А.Шарипов жабрланувчи билан ярашганлиги учун Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддаси тартибидега жазодан озод этилди.

Яна бир мисол. Судланувчи А.Ҳақимов Норин тумани Пастки Чўжа маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган ошхонада, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, М.Солиевни дўппослаб бошлади. Ш.Олимов жанжалга барҳам

бермоқчи бўлганида, А.Ҳақимов унинг юзига уриб, тан-жароҳати етказди.

Суд А.Ҳақимовни Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми "а", "г" бандлари билан айбдор деб топди ва унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддаси тартибидега 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги қарорида судларга безориликка оид жиноят ишларини кўришда тегишли раҳбарий кўрсатмалар берилган. Жумладан, Пленум қарори талабига кўра, айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузётганлигини англаши керак, бунда унинг хатти-ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғлиқ бўлиши шарт, сабабий боғлиқ аниқланган тақдирда, қилмиш шахсга ёки мулкка қарши қаратилган жиноят деб баҳоланади.

Шунингдек, безорилик жинояти билан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмиш майда безориликни бир-бирдан фарқлаш муҳим саналади. Майда безорилик тушунчаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасида берилган бўлиб, ушбу ҳуқуқбузарлик жамоат жойида уятли сўзлар айтиш, беҳаё қилиқлар қилиш, жамоат тартиби ва оқошталлигини бузиш каби ҳаракатларда ифодаланади.

Хулоса ўрнида шунга айтиш жоизки, ҳар қандай салбий ҳолатга бефарқ қарамаслик, унинг олдини олиш, кенг жамоатчилик ёрдамида ҳуқуқбузарларни тартибга чакориш жамиятда тинчлик ва оқошталлиқни, ҳаёти-миз ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

**М.ФОҲУРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг раиси

## Куч—АДОЛАТДА

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий судиБош муҳаррир:  
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил  
23 февралда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0224-рақам  
билан рўйхатдан ўтган.



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАҲОВ  
Мавжуда РАҲАБОВА  
Шоноус ГАЗИЕВ  
Кўчкор ТОҒАЕВ  
Русланбек ДАВЛЕТОВ  
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Омонбой ОҚЮЛОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Икром МУСИЛОВ  
Ғайрат ХУДИЯТОВ  
Арислон УСМАНОВ  
Бобомурод РАЙИМОВ

## Навбатчи муҳаррир:

Сардор

ҲАМРОЕВ

## Саҳифаловчи:

Шерзод

ҲАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.

E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-625. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7275.

1 2 3 4. Топшириш вақти: 21<sup>00</sup> Топширилди: 23<sup>00</sup>